

## КОПУЛЯТИВ ҚҮШМА СҮЗЛАР ВА ЭРКИН КОПУЛЯТИВ СҮЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЎЗАРО ФАРҚЛАРИ

**Нодир Нуриддинов,**  
ТДШУ Эроншунослик ва афғоншунослик  
олий мактаби доценти, PhD  
[nur\\_nn@mail.ru](mailto:nur_nn@mail.ru) +998946123957

### АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақола форс тилидаги копулятив бирликларга оид назарий фикрлар тадқиқи, тишлинос-эроншинос олимларнинг мавзу юзасидан билдирган фикрлари таҳлилига бағишиланган. Шунингдек, мақолада копулятив қўшима сўзлар (ККС) ва эркин копулятив сўз бирикмалари (ЭКСБ) ни ўзаро фарқлашнинг морфологик мезони ҳамда копулятив бирликларнинг таржимада берилishi ҳақида фикр юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** копулятив қўшима сўз, эркин копулятив сўз бирикмаси, морфологик мезон, таржима

### АННОТАЦИЯ:

Данная статья посвящается изучению теоретических представлений о персидских копулятивных единицах, и анализу взглядов лингвистов-иранистов по данному вопросу. Также в статье рассматриваются морфологические критерии различения копулятивных сложных слов (КСС) и свободных копулятивных словосочетаний (СКС) и представление копулятивных единиц в переводе.

**Опорные слова и выражения:** копулятивные сложные слова, свободное копулятивное словосочетание, морфологический критерий, перевод.

### SUMMARY:

This article is dedicated to study theoretical ideas (concepts) about copulative combinations and the analysis of the opinions of linguists-iranists on this theme. This article also discusses the morphological criteria for distinguishing between copulative compound words (CCW) and free copulative phrases (FCPH) and the representation of copulative units in translation.

**Keywords and expressions:** copulative compound words, free copulative phrases, morphological criterion, translation.

## КИРИШ:

Тилшуносликда ва, айниқса, форс тилшунослигида сўз бирикмалари ва қўшма сўзларни фарқлаш, қатъий чегаралаш анча мураккаб ва ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири дейиш мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда қўшма сўз ва сўз бирикмалари бир-бирига аралаштирилади, айрим ҳолларда бир мураккаб бирикманинг ўзини баъзан қўшма сўзга, баъзан сўз бирикмасига киритиш ҳоллари учраб туради. Қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг чегараси масаласи ҳар бир тилнинг фономорфологик ва синтактик нормаларига асосланган ҳолда қатъий, аниқ мезонни белгилашни талаб этади.

Копулятив бирликлар таҳлили ва уларнинг структур-семантик таснифидан тилшуносликда мазкур лингвистик ҳодиса деярли бир хил баҳоланиши маълум бўлди. Аммо тадқиқотларнинг ҳеч бирида КҚС, КФБ ва ЭКСБни ўзаро фарқлашнинг аниқ мезонлари кузатилмади. Мазкур мақолада мавзуга оид назарий қарашлар таҳлили ва тўпланган фактик материаллар таснифи асосида копулятив бирликлар (КҚС ва ЭКСБ) ни фарқлашнинг морфологик мезони ҳақида мулоҳаза юритилади.

Форс тилида сўз бирикмалари ва қўшма сўзлар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи илк бор Л.С.Пейсиковнинг тадқиқотида [1, 158-168.] батафсил ифода этилган. Мазкур муаммони ҳал этишнинг мураккаблиги муаллифнинг қўйидаги фикрларида ўз аксини топади: “Копулятивларни катта миқдордаги турли тенг боғловчили, редупликатив, боғловчисиз бирликлардан, айниқса тенг боғловчили фразеологик бирликлардан фарқлаш масаласида муаммолар юзага келади: боғловчили синтактик сўз бирикмалари ва копулятив қўшма сўзлар ўртасидаги оралиқ бирликлар масаласи ниҳоятда мураккабdir. Аммо мазкур масала уни тўлиқ ҳал этишнинг имкони йўқлигига қарамасдан, бизга у қадар имконсиздек туюлмайди” [1, 159.].

Г.В. Меликян ўз тадқиқотида “жуфт бирликлар лексикализацияси натижасида қўшма сўзлар ҳосил бўлишини” таъкидлайди. Унга кўра “бу ҳолатда жуфт бирликларни қўшма сўзларга ўхшатиш тўғрироқ бўларди, чунки уларнинг ясалиш асоси синтаксис сатҳига тааллуқли, композицияга эмас” [2, 55.].

Мавзуга оид манбалар таҳлили мазкур масаланинг дарий тилшунослигида ҳам долзарблигини кўрсатди. М.Н. Негҳат Саидий дарий тилида қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқловчи 7 та белгини таклиф қилган бўлса [3, 165.], Х.З. Алимова дарий тилида қўшма сўзларнинг фонетик, грамматик ва семантик белгига эгалигини таъкидлаб, улар орасида грамматик белгининг устунлигини қайд этади [4, 32, 35.].

Тилнинг турли сатҳларига тегишли лингвистик бирликлар таҳлили ўзига хос қийинчилик туғдиради. Масалан, лексик-морфологик ва синтактик сатҳларга тегишли бўлган сўз ясалиши (қўшма сўз) ва сўз бирикмалари ўзига хос деривацион ва функционал хусусиятларга эга. Бундай ҳолатда лисоний ва нолисоний омиллар таъсирини ҳисобга олиш зарур [5, 1-2.].

Эронлик тилшунослар асарларининг таҳлили ҳам форс тилида копулятив бирликлар ўзаро ажратилмаслиги, уларнинг барчаси мураккаб бирликлар сифатида изоҳланиши ҳамда копулятив бирликларни ўзаро фарқлашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаганини кўрсатди.

### МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР:

Копулятив қўшма сўз ва сўз бирикмаларини ўзаро фарқлаш фақат илмий аҳамиятгагина эга бўлмай, жуда катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Қўшма сўз ва сўз бирикмаларининг ўзаро дистинктив белгиларини аниқлаш ва уларни амалиётда қўллаш лексикографик изланишлар ва таржималар жараёнига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Шунга кўра қўшма сўзларни сўз бирикмаларидан фонетик-фонологик, морфологик-синтактик ва функционал-семантический белгилар асосида фарқлаш мақсадга мувофиқ.

Сўз бирикмаси яхлит, бироқ қисмларга ажralадиган ва мустақил сўзлик хусусиятини тўлиқ сақлайдиган грамматик бутунликдир. Қўшма сўз компонентларида эса семантический мустақиллик йўқолиб, таркибий қисмлар бирикувидан янги лексик-семантический маънога эга бирлик юзага келади.

КҚС морфология ва сўз ясалиши, ЭКСБ эса синтактик сатҳ доирасида ўрганилувчи бирликларидир. Шу сабабли мазкур копулятив бирликларни ўзаро фарқлашда таркибий қисмлар ўртасидаги морфологик ва синтактик муносабатлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Копулятив бирлик компонентларининг икки таркибий қисмдан иборат бўлиши, таркибий қисмларнинг алоҳида эмас, балки биргаликда маълум бир сўз туркуми вазифасини бажариши (асосан от ва сифат), морфологик бутунлик (яхлитлик), носинтактик тузилиш, таркибий қисмларнинг бўлинмаслиги ва улар орасига бошқа морфемаларнинг қўйилмаслиги, таркибий қисмларнинг морфологик воситалар билан боғланиши КҚС ва ЭКСБни ўзаро фарқловчи морфологик мезонлардир.

КҚС ва ЭКСБ структур жиҳатдан ўхшашиб бўлиб, икки таркибий қисмдан иборатдир. Мазкур ўхшашлик копулятив бирликларни ўзаро фарқлашни қийинлаштиради: Икки таркибий қисмдан иборат КҚС – بَگْذَار – bardārobogzār “энагалик”, “парвариш қилиш”; “ғамхўрлик”, بشوروبپوش “ювилгандан сўнг ғижим бўлмайдиган”, beşurobeپوش beguvobeشپوش “бекъ” و بشنو beguوبهشپوش

“сұхбат”, “диалог”, بگیروبیند *begirobeband* “оммавий ҳибс”, “қама-қама”, “репрессия”, آب و ھوا *ābohavā* “об-ҳаво”, “иқлим”, ده و گیر *dehogir* (офз.) “кураш”, “түқнашув”, سوزوساز *suzosāz* “чидамлилик”; “оташин мұхаббат”; “қайғу”, “соғиниш”, سوزوگذار *suzogodāz* “ваҳима”, “хавотир”; “нотинчлик”, “қайғу”; “севги соғинчи”, گیрودар *girodār* “жанжал”, “түқнашув”; “ховлиқиши”, “сағасима”; “авжи”, “қызғын пайти”, افت و خیز *oftoxiz* “қулаш ва құтарилиш”, (офз.) “мұносабат”, “алоқа”, پیچ و تاب *pičotāb* “бүрилган жой”, “муюлиш”, “эгри-бугри”; “чигаллик”, “мураккаблик”, *bandobast* “тил бириктириш”, “тапни бир жойға қўйиш”; “махфий келишув”; “битим”, گرفت و گیر *gereftogir* “қаттиқ идора усули”, “қатый интизом”; “қама-қама”, “ҳибс”, پیچ و پیچ *pičopič* “ўралган”, “қайрилган”, “халқа (кулча, ғужанак) бўлиб олган”, چаронаҷар *čāronāčār* “ноилож”, “чор-ночор”, “мажбуран”, سیاه و سفید *siyāhosefid* “кул ранг”, *marzobum* “мамлакат”, پیچ کم و بیش *pičoxam* “бурилиш”, “эгри-бугри”; “чигаллик”, “лабиринт”, *kamobiš* “бир мунча”, “озми-қўпми”, “маълум даражада” ва б.

Икки таркибий қисмдан иборат ЭКСБ – بخت و اقبال *baxt-o eybāl* “тақдир”, عشق و محبت, *salāmat-o tandorost* “соғлик”, “саломатлик”, *eşy-o mohabbat* “севги”, “ишқ-мухаббат”, *sost-o zaif* “нимжон”, “заиф”, *yam-o yosse* “қайғу”, “ғам-ғусса”, *vāzeh-o āškār* “аңик”, “равшан”, خواهش و التماس *xāheš-o eltemās* “илтимос”, “илтижо”, *eştebāh-o sahv* “хатолик”, “янгилиш фикр”, *bozorg-o bihesāb* “жуда катта”, رنج و زحمت *ranj-o zahmat* “зўр бериш”, “кучланиш”, “куч”, *xaste-vo farsude* “холдан тойган”, “қаттиқ чарчаган”, عیب و نقص *eyb-o nays* “камчилик”, “айб-нуқсон”, لازم و ضروری *lāzem-o zaruri* “керакли”, “зарур”, *nāz-o karaşme* “танноз”, “ишвагар”, *fekr-o zekr* “ўй-фикр”, “ният”, فکر و ذکر *rahbar-o yāed* “раҳбар”, “йўлбошчи”, تحقیق و پرس جو *tahiyiy-o porsju* “сўровномалар”, بیان و تشریح *bayān-o taşrih* “тушунтириш”, “изоҳ”, *tamiz-o morattab* “тартибга келтирилган”, مات و مبهوت *māt-o mabhut* “ҳайрон қолиб”, “ҳайрат билан” ва б.

Юқоридаги копулятив бирликлар шаклий жиҳатдан ўхшаш бўлиб, бир гурухга мансубдек туюлади. Чунки копулятивларнинг ҳар икки гурухи و -va/-o “ва” билан боғланган ҳамда икки таркибий қисмдан иборат.

مזה بچه را به او می چشانند با شاش و گهش و بریز و پاشش و پردار و بگذارش *Maze-ye bače-rā be u mičešāndand bā šāš-o goheš va berizobepāšeš va bardārobogzāreš* “Унга фарзанднинг мазасини – унинг пешобу ахлати, тўс-тўполони ва унга энагалик (ғамхўрлик) қилиш билан бирга tottireshardi” (۵۲)

در پیچ و خم های زندگی *Dar pičoxamhā-ye zendegi* “Ҳаётнинг чигалликларида” ([www.newday.ir](http://www.newday.ir))

پژوهشگران دانشگاه اکستر در انگلیس با استفاده از علم ژنتیک در یافته اند قد و وزن در بخت و اقبال *Pežuhešgarān-e dānešgāh-e Ekster dar Englīs bā estefāde az elm-e ženetič dar-yāfte-and yadd-o vazn dar **baxt-o eybāl**-e ensān-hā moasser ast* “Англиядаги Экстер университети тадқиқотчиларининг генетика фанидан фойдаланиб аниқлашларича, қомат ва вазн инсонлар такдирiga таъсир кўрсатади” ([www.irinn.ir/fa/news/153932/](http://www.irinn.ir/fa/news/153932/))

وى با بيان اين که امروز زمان خواهش و التماس به دشمن نىست، اضافه کرد *Vey bā bayān-e inke emruz zaman-e **xāheš-o eltemās** be došman nist, ezafe kard* “У бугун душманга илтижо (илтимос) қилиш замони эмаслигини таъкидлаш билан бирга қўшимча қилди” ([www.mehrnews.com/news/4732714/](http://www.mehrnews.com/news/4732714/))

Юқоридаги жумлалар таркибида брدار و بگذارش *bardārobogzāreš* “энагалик”; “ғамхўрлик”, بخت و اقبال *pičoxat* “чигаллик” каби КҚС, تاكدير *baxt-o eybāl* “такдир”, خواهش و التماس *xāheš-o eltemās* “илтижо” (“илтимос”) каби ЭКСБни кузатиш мумкин. Мазкур бирликларни гурӯҳларга ажратишда копулятив бирликларнинг структур-семантик таҳлили натижасида чиқарилган хулосаларга таянилди. Мисолларда келтирилган КҚС таркибида морфологик яхлитлик ва носинтактик тузилиш акс этган бўлса, ЭКСБ таркибий қисмларининг ҳар бири морфологик мустақил бирлик эканини намоён этмоқда.

КҚСдан фарқли равища манбаларда уч таркибли ЭКСБ ҳам кузатилди:

جنس پارچه ای که شما برای لباس هایتان در نظر می گیرید باید ظریف و نرم و لطیف مثل پارچه *Jens-e pārče-i ke šomā barāye lebās-hāyetān dar nazar migirid bāyad **zarif-o narm-o latif** bāšad mesl-e pārče-ye harir bāšad tā šomā bā pušidan-e ān lebās lāyartar be nazar berasid* “Либосларингиз учун танлайдиган мато тури сиз у либосни кийганингизда озғинроқ кўринишингиз учун худди ипак каби майин ва юмшок бўлиши керак” ([www.nafissstore.ir](http://www.nafissstore.ir))

۱۴ تعبیر دیدن بحث و دعوا و کتک کاری در خواب *Čahārdah ta'bir-e didan-e **bahs-o da'vā-vo kotakkāri** dar xāb* “Тушда муштлашиш ва ёқаллашишни кўришнинг 14 таъбири” ([www.tedsa.com](http://www.tedsa.com))

Аммо юқоридаги каби уч таркибли ЭКСБ форс тилида нисбатан каммаҳсул бўлгани сабабли копулятивларни компонентларининг сонига қараб фарқлаш мезони ўзини оқламайди.

Копулятив бирликлар таркибий қисмларининг морфологик таҳлили мазкур бирликлар от, сифат, турли феъл шакллари, тақлидий сўзлар, баъзида сон, олмош ва равишлиар бириқувидан иборат бўлишини кўрсатди. Манбалардан тўпланган копулятив бирликлар таҳлилига мувофиқ шуни айтиш мумкинки,

КҚС таркибий қисмлари асосан бир сўз туркуми, баъзида турли сўз туркумлари билан ифода этилади.

**Отлар билан ифодаланган КҚС:** 1) Турли от – ўзаклардан иборат КҚС: رنگ āb(o)rang “түзллик”, “софлик”, “тозалик” (юз); “акварель”, “акварель бўёклари” (آب āb “сув”, رنگ rang “ранг”); مشт (و) مال moštōmāl “массаж”, “силаш”, “уқалаш” (موش mošt “мушт”, مال māl “мол-мулк”); 2) Интерфикс иширикдаги отлар бирикувидан иборат КҚС: مو به مو тибети “сўзма-сўз”, “батафсил”, “синчковлик билан” (مو mi “соч”), رنگارنگ rangārang “ранг-баранг”, “турли-туман” (رنگ rang “ранг”), جابجا jābejā “тезда”, “зудлик билан”; “баъзи жойларда”, “ора-сира” (جا jā “жой”); 3) Отлар редупликацияси орқали ясалган КҚС: نخود noxudnoxud “озгина”, “бир оз”, “сал-пал” نخود noxud “нўхат”, <sup>1/5</sup> грамм миқдоридаги ўлчов бирлиги”), سوراخ surāxsurāx “нафис”, “нозик”, “илма-тешик”, “йиртиқ-сиртиқ” surāx “тешик”, “туйнук”), خط xatxat “йўл-йўл”, “ола-була”; “чизиқли”, “чизиқ тортилган”; “ажин босган”, “чалкаш-чулкаш чизиқлар” (خط xat “дастхат”, “чизиқ”);

**Сифатлар билан ифодаланган КҚС:** 1) Турли сифат – ўзаклардан иборат КҚС: بدوپیراه badobirāh (офз.) “ҳақоратли сўз”, “сўкиш сўzlари”, “ножӯя сўзлар” (بد bad “ёмон”, پیراه birāh “ахлоксиз”, “енгилтак”), سفید siyāh(o)sefid “кул ранг” siyāh “қора”, سفید sefid “ок”), 2) Интерфикс иширикдаги сифатлар бирикувидан иборат КҚС: گرمакگرم garmāgarm “аччик устида”, “дарҳол”; “энг қизиган (қизгин) пайтда”; 3) Сифатлар редупликацияси орқали ясалган КҚС: صاف صاف sāfsāf “тўғри”, “тикка”, “эгилмасдан”; “очиқчасига”, “дадиллик билан”, “мақсадсиз” صاف sāf “аниқ”, “текис”), خوش خوش xošxoš “оз-оздан”, “секин-аста” خوش xoš “ёқимли”, “қувончли”).

**Турли феъл шакллари билан ифодаланган КҚС:** 1) Императив шаклдаги феъллар бирикувидан иборат КҚС: بچاپ بچاپ bečārbečār “ўғрилик”, “талончилик”, “йўлтўсарлик” چاپیدن čāpidan (چاپ) “ўғирламоқ” феъли), بکش bokošbokoš “қирғин”, “хунрезлик”, “катл”, “катта жанг” koštan (کشن) “ўлдирмоқ”, “қирмоқ” феъли), دیدن didan (دیدن) “ўлдирмоқ”, “қирмоқ” феъли), بترک bebinobetarak “қўзмунчоқ” tarakidan (ترک) “ёрилмоқ”, “дарз кетмоқ”), بیان boro(vo)biyā “борди-келди”, “чоп-чоп”, “югур-югур”; “дабдабали (ҳашаматли) хаёт тарзи”, “ортиқча фаровонлик” رفتان raftan (رو) “бормоқ”, آمدن āmadan (ا) “келмоқ”) ва б. 2) Компоненти феълнинг ҳозирги ва ўтган замон негизи бўлган КҚС: а) Иккита бир хил ёки турли хил феъл ҲZNнинг бирикуви: گیراگир girāgir “уруш-жанжал”, “тўқнашув”; “ховлиқиши”, “саросима”; “авжи”, “қизгин пайти” gereftan گير gir “олмоқ”), جنب و جوش jombojuš “ҳаяжон”, “ғалаён”; “жонланиш”; “шовқин -сурон”, “қий-чув” jombidan جنبیدن);

*jomb*“ҳаракатланмок”, *jušidan* جوش *juš* “қайнамок”); б) *Бир феълнинг ҳам ўтган*, ҳам ҳозирги замон негизларининг бирикуви: بست و بند *bastoband* “бириктиргич”, “қисқич”; “бирикма”, “бириктирилган жой”; “турник”, “хари” (بستان) *bastian* بند *band* “ёпмоқ”, “боғламоқ”); ساخت و ساز *sāxtosāz* “тайёрлик”, “тайёргарлик”, “вужудга келиш”, “тузиш”; “структурা”, “тузилиш” (ساختن) *sāxtan* ساز “қурмоқ”); в) *Турли феълларнинг ўтган ва ҳозирги замон негизларининг бирикуви:* گذار گشت و گذار *gaštogozār* “сайру саёчат, томоша учун турли жойларга сафар” گذار *gašt* (ЎЗН) “айланмоқ”, گذاشتن *gozāštan* گذار *gozār* (ҲЗН) “қўймок”), جست و خیز *jastoxiz* “сакраш”, “ирғиш” جست *jast* (ЎЗН) “сакрамоқ”, خیز *xiz* (ҲЗН) “ўриндан турмоқ”, “уйғонмоқ”); г) *Турли феълларнинг ўтган замон негизларининг бирикуви:* زد و خورد *zadoxord* “жанжал”, “тўқнашув” گشت و برگشت *gaštobargašt* “айланмоқ”, бргشتن *bargašt* “қайтмоқ”), کوفт و گرفت *kuftoruft* “мускулларнинг чарчаши”, “қаттиқ чарчаш”; “таъна”, “танбех” (кўч.маъно) *kuftan* “урмоқ”, “янчмоқ”, روقن *ruftan* “супурмоқ”); 3) Ўтган замон сифатдошлари бирикувидан иборат ККС: جسته (و) گریخته (و) *jaste(vo)gorixte* (офз.) “чалкаш-чулкаш”, “пойма-пой”, “чигал”; “наридан-бери”, “чала-чулпа”; “онда-сонда”, “баъзи жойда”, “ҳар жой ҳар жойда” جستن *jastan* “сакрамоқ”, گریختن *gorixtan* “қочмоқ”), بريده *borideboride* “узук-юлук”, “узук-узук” *boridan* “кеسمоқ”), رفته *rafterafte* “аста-секин”, “бора-бора”, “тобора” *raftan* “кетмоқ”, “бормоқ”); 4) Ҳозирги замон сифатдошлари бирикувидан иборат ККС: خندидن *xandānxandān* “қаттиқ кулиб”, “кула-кула” *xandidan* “кулмоқ”), لرزان *larzānlarzān* “титраб” لرزیدن *larzidan* “титрамоқ” (کشیدن) *kešānkešān* “судраб, судралиб” *keşidan* “судрамоқ”), کشان *kešān* (کشان), لнгани *langānlangān* “оқсоқланиб” لنگیدن *langidan* “оқсоқланмоқ”).

**Тақлидий сўзлар билан ифодаланган ККС:** 1) Хайвонлар товушига тақлидни билдирувчи редупликативлар: جير جير *jikjik*, جير جير *jirjir* “чуғур-чуғур”, “чиёв-чиёв”, “чирқиллаш”, عوو اوو *oiou* “акиллаш”, “вовуллаш”; “вов-вов”, قارقار *yāryār*, غارغار *yāryār* “қағ-қағ”, “қагиллаш” (қарға) 2) Предметлар ва тирик жонзотлар томонидан ҳосил бўлган товушига тақлидни билдирувчи редупликативлар: هلپ هلپ *holopholop* “чапиллатиб чайнаш (овқат вақтида)”, گрп *gorpgorp* “тақ-тук”, “икки қаттиқ нарсанинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўладиган тўхтовсиз овоз”, شرشر *šoršor*, شېرېر *šeršer* “шилдираш”, “жилдираш” (сув), “шовқин” (ёмғир, жала); “жилдираб оқаётган сув оқими”, طق طق *taytay* “тақ-тақ”; “тақиллаган овоз”, (“дукиллаган, тарақлаган овоз”); “ора-сира тақиллатиш”, “дукур-дукур” ва б.

**Сонлар билан ифодаланган ККС:** 1) Интерфикс иштирокидаги сонлар бирикувидан иборат ККС: چهардерچهар *čahārdarčahār* “түртбурчак”, “квадратга оид”, “квадрат шаклидаги” چهар *čahār* “түрт”, يك در يك *yekdaryek* (офз.) “ногаҳон”, يك بى يك *yekbaryek* “кутилмаганда”, “тўсатдан”, “тасодифан”, يك بى يك *yekbeyek* “битетта-битта”, “битетталаб”; “бирин-кетин”, “кетма-кет”; “ҳар”, “ҳар бир” (предлогли ва изофали бирикмалар таркибида) يك *yek* “бир”); 2) Сонлар редупликацияси орқали ясалган ККС: هزارهزار *hezārhēzār* “минг-минглаб” (هزار) *hezār* “минг”), يك يك *yekyek* “бирма-бир” يك *yek* “бир”).

**Равишлар билан ифодаланган ККС:** 1) Интерфикс иштирокидаги равишлар бирикувидан иборат ККС: دير به دير *dirbedir* “камдан-кам”, “онда-сонда”, “баъзан” *dir* “кеч”), مفتамفت *moftāmoft* (офз.) “текин(га)” *moft* “текин”, “бепул”) 2) Равишлар редупликацияси орқали ясалган ККС: کورمال کورمال *kurmālkurmāl* “пайпаслаб” *kurmāl* “кўрмасдан”, “тусмоллаб”, “кўр-кўронада”), راست راست *rāstrāst* “ошкора равишида”, “эҳтиётсизлик билан”, “бепарволик билан” *rāst* “тўғри”, “ўнг”), خирه خирه *xirexire* “асоссиз”, “бекордан-бекорга” خирه *xire* “хайрон”).

**Олмош билан ифодаланган ККС:** 1) Интерфикс иштирокидаги олмошлар бирикувидан иборат ККС: خود به خود *xodbexod* “кутилмаганда”, “ўз-ўзидан содир бўладиган” *xod* “ўз”).

Сўз бирикмаси таркибида ҳам морфологик жиҳатдан бир сўз туркумига оид сўзлар бирикуви кузатилади:

**Отлар билан ифодаланган ЭКСБ:** رفتار و اخلاق *raftār-o axlāy* “муносиб хулқ-атвор” *raftār* “хулқ” – от, اخلاق *axlāy* “ахлоқ” – от), نظم و ترتیب *raftār* رفتار (رفتار) *raftār* “хулқ” – от, *axlāy* “اخلاق” – اخلاق (رفتار), tartib “тартиб” “тартиб-қоида” *nazm* نظم “tarbib” – tarbib “тартиб”, “тизим” – رشید (رشید) *rošd* رشد و توسعه *rošd-o tousee* توسعه “ӯсиш”, “ривожланиш” *rošd* رشد “ریوچلانيش” – رشید و ناله *tousee* توسعه “کېنگайиш” – رشید), زوزه و ناله *zuze-vo nāle* ناله “دод-فارёд”, “йиги-сиги” زوزه *zuze* “увиллаш”, “чийиллаш” – ناله *nāle* “инграш”, “йиги” – رشید) ва б.

**Сифатлар билан ифодаланган ЭКСБ:** خشك و بى علف *xošk-o bialaf* “ўлик”, “жонсиз” *xošk* қуруқ – سیفاط *bialaf* چىكىشىز – سیفاط), بى علف *bialaf* چىكىشىز – سیفاط), koloft-o čāy “семиз”, “тўладан келган”, “қалин”, “дуркун” کافلت *koloft* “семиз”, “қалин” – سیفاط, چاق *čāy* سیفاط – سیفاط), سست و ضعیف *sost-o zaif* کافلت “کуч siziz”, “заиф” *sost* سست ضعیف *zaif* نیمچون – سیفاط), واضح و آشکار *vāzeh* و ایشکار “کуч siziz” – سیفاط, ضعیف *zaif* نیمچون – سیفاط), *vāzeh-o āškār* آشکار “аниқ”, “равшан” *vāzeh* ایشکار “انیق” – سیفاط, آشکار *āškār* آشکار “انیق” – سیفاط) ва б.

Тўпланган фактик материаллар таҳлили ККС ва ЭКСБнинг таркибий қисмлари бир хил сўз туркумига тааллуқли бўлишини кўрсатди. Аммо

қуидаги мисоллар истисно бўлиб, унда от ва сифат бирикувидан иборат ККС кузатилади: қор *sutokur* “жимжит”, “қайғули”, “ғамгин” *sut* (سوت) “хуштак”-от, қор *kur* “кўр”-сифат), ҳоаб *xâbobidâr* “мудраган ҳолатда”, “уйқусираганча”, “товланувчи (духоба)” (айнан. ҳоаб *xâb* “уйқу”-от, ғидар *bidâr* “бедор”-сифат), چشم *češmodelsir* “кўзи тўқ”, “ўз манфаатларини кўзламайдиган” (айнан. چشم *češm* “кўз”-от, ғисир *delsir* “бефарқ”-сифат). Таркибий қисмлар боғланишидаги носинтактик ва нофразеологик хусусият бундай бирликларни қўшма сўзлар сифатида ўрганишни тақозо этади.

Таркибий қисмларнинг алоҳида эмас, балки биргаликда маълум бир сўз туркуми вазифасини бажариши (асосан от ва сифат) кузатилади:

پیشینی مستقیم آب و هوا از مرکز هواشناسی ایران *Pišbini-ye mostayim-e ābohavā az markaz-e havāšenāsi-ye Irān* “Эрон метеорология марказидан тўғридан-тўғри **об-ҳаво** маълумоти”([www.havairan.com](http://www.havairan.com))

رختهای شسته و آبکشی شده بی بی ... همگی بشور و بیوش بودند *Raxthā-ye šostevō ābkeši šode-ye bibi ... hamegi bešuroberuš budand* “Хоним (бека)нинг ювилган кийимлари ҳаммаси **тижим бўлмайдиган** эди” (لله زار، ۱۵-۱۶)

یوونتوس ۱-۲ آژاکس: اروپای مات و مبهوت *Yuventus 1-2 Āžāks: Orupā-ye **māt-o mabhus*** “Ювентус ۱-۲ آژاکс: **Хайратда қолган** Европа” ([www.afghanews.shafaqna.com/EN/AL/77574](http://www.afghanews.shafaqna.com/EN/AL/77574))

Юқоридаги жумлаларда ҳоаб *ābohavā* “об-ҳаво” ККС от сўз туркуми, ҳоаб *bešuroberuš* “тижим бўлмайдиган” ККС ва ҳоаб *māt-o mabhus* “хайратда қолган”, “хайрат билан” ЭКСБ эса сифат сўз туркумини ифодалаяпти.

ККСнинг структур-семантик таҳлили уларнинг бир қатор морфологик воситалар – интерфикслар (-ā-, -be-, -dr-, -tā-, -o-) орқали ясалишини кўрсатди. ЭКСБ таркибида эса фақат -o- (-va-) нинг бириктирувчи боғловчи сифатида ишлатилиши кузатилди. Мазкур икки копулятив бирликни ўзаро боғловчи морфологик воситаларнинг бир хил эмаслиги уларни ўзаро фарқлашни осонлаштиради. Бу ҳолатда ягона ўхшашлик -o- (-va-) интерфиксни ва -o- (-va-) бириктирувчи боғловчиси доирасида бўлиб, уларни фарқлашнинг аниқ фонетик-фонологик мезонларини белгилаш копулятив бирликлар ҳақидаги тасаввурни янада ойдинлаштиради.

Копулятив бирликларнинг таркибий қисмларидан бирига ёки ҳар иккисига қўшилувчи кўплек қўшимчаси ККС ва ЭКСБни аниқлашнинг морфологик мезони сифатида хизмат қиласи. ККС компонентлари бирикиб, бир бутун ҳолга келгани учун ҳам бир сўз каби турланади. Морфологик элементлар қўшма сўз компонентларининг фақат биттасига (асосан охиргисига) қўшилади. ЭКСБ

компонентларида эса сўзларга хос барча хусусиятлар тўлиқ сақлангани учун уларнинг ҳар бири турли морфологик элементларни олган ҳолда турланади:

باید مواظب پاهایمان باشیم که توی چاله چوله‌ها نیقتیم *Bāyad movāzeb-e pāhāyemān bāšim ke tu-ye čālečule-hā nayoftim* “Ўйдим-чукурларда йиқилиб юрмаслигимиз учун оёғимиз остига эҳтиёт бўлишимиз керак” (پا برنه‌ها، ۴۶۴)

دكتور عبد الله عبدالله: با وحدت و اتحاد می توانیم بر مشکلات و دشواری‌ها غلبه کنیم *Doktor Abdollāh Abdollāh: Bā vahdat-o ettehād mitavānim bar moškelāt-o došvāri-hā yalabe konim* “Доктор Абдуллоҳ Абдуллоҳ: Бирлашган ҳолда муаммолар ва қийинчиликлар устидан ғалаба қозона оламиз” ([www.bakhtarnews.com.af/dari/political-news/item97650](http://www.bakhtarnews.com.af/dari/political-news/item97650))

Юқоридаги жумлаларда چالе چولе‌ха *čālečule-hā* “ўйдим-чукурлар” КҚС тўлиқсиз редупликатив бўлиб, -hā кўплик қўшимчаси қўшма сўзнинг охирги компонентига тушяпти. مشکلات و دشواری‌ها *moškelāt-o došvāri-hā* “муаммолар ва қийинчиликлар” ЭКСБнинг ҳар бир таркибий қисмида эса кўпликни ифодаловчи суффикс (-at) арабча ҳамда -hā форсча кўплик қўшимчалари) бор.

Аммо ЭКСБ ҳам худди КҚС каби битта кўплик қўшимчаси билан турланиши мумкин:

مرد جوان که از دست فحش و نفرین های همسرش خسته شده بود راهی دادگاه خانواده شد *Mard-e javān ke az dast-e fohš-o nafrinhā-ye hamsaraš xaste šode bud rāhi-ye dādgāh-e xānevāde šod* “Турмуш ўртоғининг ҳақоратларидан чарчаган ёш эркак фуқаролик судига йўл олди” ([www.yjc.ir/fa/amp/news/5200956](http://www.yjc.ir/fa/amp/news/5200956))

КҚСда носинтактик структура кузатилса, ЭКСБда таркибий қисмларнинг teng боғланиши (бош ва эргаш сўзларнинг мавжуд эмаслиги) кўзга ташланади:

بہتر آن است که دست به دست هم بدھیم و در این راه پرخطر سیاست پشت ویناھ همدیگر باشیم *Behtar ānast ke dast be dast ham bedehim va dar in rāh-e porxatar-e siyāsat poštoranāh-e hamdīgar bāsim* “Кўлни қўлга бериб, сиёсатнинг бу хатарли йўлида бири-биримизга тиргак бўлсак яхшироқ бўларди (یکی бод иکی نبود، ۳۹)

تارتار: به خاطر آبرو و شرافت ذوب آهن را می برمیم *Tārtār: Be xāter-e ābru-vo šarāfat Zoub āhan-rā mi-barim* “Тортор: Обрў-эътибор учун “Зўуб оҳан”ни енгамиз” ([www.sport.shafaqna.com/fn/509642/](http://www.sport.shafaqna.com/fn/509642/))

КҚС компонентларининг тартиби қатъий бўлиб, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда таркибий қисмларнинг ўрин алмашиши деярли кузатилмайди. Компонентларининг ўрни ўзгарувчи айrim КҚСнинг асосан оғзаки нутққа хослиги маълум. Таркибий қисмлари ўрин алмашиши мумкин бўлган баъзи КҚС орасида ғом ишиш “қариндош” сўзининг ҳишиш ишиш шаклида ишлатилиши қуйидаги мисолларда кузатилади:

همه قوم و خویش هام مرا مثل تخم چشمshan دوست می داشتند *Hame-ye youm-o xiš-hām tarā mesl-e toxm-e češmešān dust mi-dāštand* “Хамма **қариндош-уругларим** мени кўз қорачигларидек яхши кўришарди” (дастанҳа и фсехе ҳа, ۱۳۰)

او در این شهر هیچ **خویش و قومی** نداشت *U dar in šahr hič xiš-o youmi nadāšt* “Унинг бу шаҳарда ҳеч қандай **қариндоши** йўқ эди” (۴۰) (زنده به گور،)

Шуниси қизиқки, Л.С. Пейсиков томонидан қатъий равишда қўшма сўз деб таъкидланган ғом и خویش *youmoxiš* “қариндош” сўзи<sup>1</sup> Муҳаммад Мўйиннинг луғатида таркибий қисмларининг ўрни ўзгариши мумкин бўлган ФБ сифатида берилади. Мазкур бирлик таркибий қисмлари ўзгарган ҳолда икки марта келтирилади: ғом и خویش *xiš-o youm* [M.Мўйин, 1375, т I, Б. 1464], ғом и خویش *youmoxiš* [M.Мўйин, 1375, т II, Б. 2752]. Биринчи ҳолатда бирликни оғзаки услугба хослигини кўрсатувчи ишора мавжуд. Иккинчи ҳолатда эса ҳеч қандай белги қўйилмаган.

Шунингдек, ғом и آمد و رفت – *raft-o āmad* – آمد و رفت *āmad-o raft* “ҳаракат”, “муносабат”, آب و رنگ – *rangoāb* – آب و رنگ *āborang* “тўзаллик”, “софлик”, “ялтираш”, شد و آمد – *āmad-o šod* – شد و آمد *šod-o āmad* “ҳаракат”, “муносабат”, داد و ستد – *dādosetad* – ستد و داد *setadodād* “савдо-сотик” каби КҚСда ҳам таркибий қисмларининг ўрни алмашиши мумкин.

Компонентлар ўрнининг ўзгариши кўпроқ таркибий қисмларининг жойлашуви барқарор бўлмаган ЭКСБга хосдир. ЭКСБда таркибий қисмларининг ўзаро ўрин алмашиши ва маъно яхлитлигининг сақланиши кузатилади: آرام و قرار *ārām-o yarār* = قرار و آرام *yarār-o ārām* “ором”, “осойишталик”, “хузур-ҳаловат”.

آرام و قرار *Ārām-o yarār-e del-e divāne-ye man bāš* “Девона қалбимнинг **халовати** бўл...” ([www.sazemokhalef86.blogfa.com/post/413](http://www.sazemokhalef86.blogfa.com/post/413))

چشمان افسونگر فیروزه قرار و آرام از کف جمشید ربود *Češmān-e afsungar-e Firuze yarār-o ārām az kaf-e Jamšid robud* “Ферузанинг сеҳрловчи кўзлари Жамшиднинг **оромини** ўғирлаганди” (С.Э. Талыбова:109)

Манбаларда юқоридаги икки ЭКСБдан آرام و قرار *ārām-o yarār* шакли кўпроқ ишлатилиши кузатилди.

### **ХУЛОСА:**

КҚС ва ЭКСБларининг ўзаро дистинктив белгилари морфологик мезон асосида аниқланди ва қуидаги хулосаларга келинди:

1. Копулятив бирлик компонентларининг икки таркибий қисмдан иборат бўлиши, таркибий қисмларнинг алоҳида эмас, балки биргаликда маълум бир сўз туркуми вазифасини бажариши (асосан от ва сифат), морфологик бутунлик (яхлитлик), носинтактик тузилиш, таркибий қисмларнинг бўлинмаслиги ва улар

<sup>1</sup> Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М., 1973. – С. 168.

орасига бошқа морфемаларнинг қўйилмаслиги, таркибий қисмларнинг морфологик воситалар билан боғланиши КҚС ва ЭКСБни ўзаро фарқловчи морфологик мезонлар экани қатор мисоллар орқали таҳлил этилди.

2. КҚСнинг сўз туркumlари билан ифодаланиш доираси ЭКСБ қараганда кенгроқ экани аниқланди. Натижада қуйидаги сўз туркumlари бирикувидан иборат КҚС гурухлари ва моделлари белгиланди: 1. Отлар билан ифодаланган КҚС (“от+интерфикс+от”, “от+от”); 2. Сифатлар билан ифодаланган КҚС (“сифат+интерфикс+сифат”, “сифат+сифат”); 3. Турли феъл шакллари билан ифодаланган КҚС (“феъл+интерфикс+феъл”); 4. Тақлидий сўзлар билан ифодаланган КҚС (“тақлидий сўз+тақлидий сўз”); 5. Сонлар билан ифодаланган КҚС (“сон+интерфикс+сон”); 6. Равишлар билан ифодаланган КҚС (“равиши+интерфикс+равиши”, “равиши+равиши”); 7. Олмош билан ифодаланган КҚС (“олмош+интерфикс+олмош”).

3. ЭКСБнинг эса қуйидаги икки гурухи аниқланди: 1. Отлар билан ифодаланган ЭКСБ (“от+о/ва+от”); 2. Сифатлар билан ифодаланган ЭКСБ (“сифат+о/ва+сифат”).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М., 1973. – С. 158-168.
- Меликян Г.В. Парные словосочетания в современном персидском языке. – Ереван, 1984. – С. 55.
- محمد نسیم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، ۲۰۱۳. ص. ۱۶۵.
- Алимова Х.З. Дарий тилида сўз ясалиши // Монография. – Т., 2019. – Б. 32, 35.
- Сафаров С.Ш, Бушуй Т.А. О цельнооформленности сложного слова и словосочетания. – М., 2007. – С.1 ([www.cyberleninka.ru/ article/n/ 17610 694](http://www.cyberleninka.ru/article/n_17610_694))
- Жирмунский В.М. О границах слова. Сб. Морфологическая структура слова в языках различных типов. – М. – Л., 1963. – С. 31-33.
- محمد تقی بهار ملک الشعرا. سبک شناسی یا تاریخ تطور نثر فارسی. جلد اول. تهران، ۱۳۳۷، ص. ۱۰۱
- Nuriddinov, N. (2019). Reduplication of adverbs, past and present participles in persian language. *Theoretical & Applied Science*, (12), 634-639.

9. Nuriddinov, N., Mirzakhmedova, K., Nishanbaeva, A., & Djafarov, B. (2021). Copulative compounds made by interfix الف وصل. *Иновационные подходы в современной науке* (pp. 65-69).
10. Nodir Mr, N. (2020). Structural-semantic analysis of polynomial verbal copulative phraseologies in persian language. *The Light of Islam*, 2020(1), 170-177.
11. Nodir Mr, N. (2020). Copulative compounds formed by prepositional interfixes in persian language. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 71.
12. Akhmedova, D., Alimova, Kh., Azimdjanova, D., Nuriddinov, N., & Xasanova, N. (2022). The stylistic features of nouns and adjectives in Iranian newspaper texts. *Культурология, искусствоведение и филология: современные взгляды и научные исследования*. № 1 (50). (pp. 95-102).
13. Azimdjanova, D., Alimova, Kh., Akhmedova, D., & Nuriddinov, N. (2022). On some issues of verbal synonymy in the Persian language. *Theoretical & Applied Science*, 03, (107). (pp. 852-858).